

## ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР БАДИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

Насритдинова Мадина Нуруллаевна

Фарғона давлат университети Мусиқа таълими ва маданият кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7195710>

**Аннотация.** Мақолада халқ кўшиқлари ва мусиқа ижодиётининг кўп қиррали жиҳатларининг талабалар шахсини камол топтиришга самарали таъсири, уларнинг маънавий-эстетик тарбиясидаги кенг имкониятлари ҳақида сўз боради..

**Калим сўзлар:** халқ мусиқа ижоди, мусиқа санъати, намуна, таълим-тарбия, мақом, эстетик дид, маънавият.

## СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ МОЛОДЕЖНОЙ ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСКОГО ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В статье рассматривается плодотворное влияние многогранных аспектов народных песен и музыкального творчества на развитие личности учащихся и их широкие возможности в духовно-эстетическом воспитании.

**Ключевые слова:** народное музыкальное творчество, музыкальное искусство, модель, образование, статус, эстетическое видение, духовность.

## SOCIO-PHILOSOPHICAL FACTORS OF DEVELOPMENT OF YOUTH ARTISTIC AND AESTHETIC CULTURE AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF UZBEK SOCIETY

**Abstract.** The article discusses the fruitful influence of the multifaceted aspects of folk songs and musical creativity on the development of the personality of students and their wide opportunities in spiritual and aesthetic education.

**Key words:** folk music creation, musical art, model, education, status, aesthetic vision, spirituality.

### КИРИШ

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва диний-маърифий қадриятларини қайта тиклаш ва буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий, маданий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир[1]. Бунда Ўрта Осиёда яшаб, ижод қилган санъат намоёндаларининг илмий-маданий мероси, шунингдек, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга ёрдам берадиган миллий мақом санъати муҳим аҳамият касб этади. “Нега деганда, агар инсоннинг қулоғига енгил елпи, тумтарок оҳангларга ўрнашиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини қабул қилиши қийин бўлиб қолади”[2;32]

Анъанавий ҳаёт тарзи, ахлоқ меъёрлари ҳамда мусиқанинг маънавий озукаси бўлган миллий мақом санъатида инсонни камолотга ундайдиган дунёқарашлардан келиб чиқувчи бой менталитет мавжуд. “Мақом – оҳангга жойлашган тафаккурдир. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китоб ... унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади”[2;44].

Шуларни назарда тутган ҳолда ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда мақом санъатидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Айниқса, “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”[3]ги қарорнинг ўз вақтида эълон қилинганлиги мақом санъатининг тарбиявий аҳамияти ўта муҳим эканлигидан далолат беради.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ана шундай дурдона мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, назарий ва амалий ўзлаштириш, уни келажак авлодга етказиб бериш ҳар қайси мусиқа назариётчиси ва амалиётчисининг зиммасидаги муҳим вазифадир. Бу шарафли йўлда сидқидилдан меҳнат қилган мақомдон устозлар, мусиқашунос олимлар ва саводхон ижрочиларнинг самарали илмий изланишлари ҳамда эришган натижаларини эътироф этиш лозим.

Халқимизнинг жуда қадимий, бой ва теран тарихий илдизларига эга бўлган мусиқа мероси ҳамма даврларда ҳам ўзининг тарбиявий таъсирчан бадиий ғоялари билан кишиларнинг маънавий-эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутиб келган. Мана шундай ўлкан маънавий бойликдан ёшларни бадиий-эстетик тарбиялашда янада унунмли фойдаланиш орқали уларнинг қалбида эзгулик, ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, дўстлик, ватанпарварлик, миллатга, миллий қадриятларга муҳаббат ҳис-туйғуларини шакллантиришда самарали натижаларга эришиш мумкин.

Зеро, мусиқанинг тарбиявий таъсир кучи, унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида И.Каримовнинг айтган куйидаги сўзлари ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин... Энг муҳими бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда [1].

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг мусиқий дунёқарашини шакллантириш билан маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда умумтаълим мактабларидаги мусиқа тарбиясининг роли ниҳоятда каттадир. Маълумки, умумтаълим мактаблари мусиқа таълими ва тарбиясининг бош мақсадларидан бири ёш авлодни миллий мусиқамизга ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқий қадриятларни теран идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам “Умумтаълим мактабларида мусиқа таълими, тарбияси Концепцияси”да миллий мусиқа таълим-тарбиясини миллий мусиқа мероси негизида шакллантириш алоҳида таъкидланади. Кўпгина илмий тадқиқотларда ҳам халқ мусиқа мероси таркибидаги фольклор, мумтоз ва мақом куй-қўшиқларини юксак тарбиявий-таъсирчанликка эга эканлиги, уларни ёшлар маънавий оламига чуқурроқ сингдириш, бадиий-эстетик тарбиясида тўғри ва мақсадли фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришиши мумкинлиги асослаб берилган. Ҳақиқатдан ҳам халқ мусиқа меросида энг оммавийлик касб этувчи қўшиқчилик ижодиётига оид фольклор, мумтоз ва мақом асарларининг бадиий мазмуни таҳлил қилинса, уларда “халқ донишмандлиги”нинг энг улуғ ва олийжаноб ғоялари мужассамланганлигини кўриш мумкин. Масалан, фольклор йўналишидаги халқ қўшиқлари ўз мазмунида халқ ҳаётининг энг муҳим, ўзига хос турли

кўринишлари ва қирраларини акс эттирадики, мусиқа дарсларида уларни ўрганиш ўқувчи-ёшларни миллий ўзлигини англашларида беқиёс аҳамият касб этади.

Халқимиз мусиқа меросидаги энг машҳур ва қадрли бўлган мумтоз ва мақом ашулалари мумтоз адабиётимизнинг энг сара шеърий намуналарига боғланган мусиқий оҳанглар жўрлигида ижро этилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, ҳозирги кунда ҳам ўз кўрки ва қимматини йўқотмай келмоқда. Бундай қўшиқларни ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ҳиссиётига бадий эмоционал таъсир кўрсатиши ҳақида буюк Шарқ алломалари жуда кўп ва хўб фикрларини айтиб ўтишганлиги ҳам ҳақиқатдир[4].

Ўзбек халқ мусиқа меросидаги аҳамиятга молик қўшиқчилик йўналишларидан яна бири, бу танқидий руҳдаги ҳазил ва ҳажвий қўшиқлардир. Бу мавзудаги қўшиқлар мазмунида салбий иллатлар, ҳолат ва кўринишлар, ўзига хос киноя, қочирим, ҳазил-мазах орқали талқин қилинадики, улар ҳам ўз ўрнида муҳим тарбиявий кучга эгаллиги билан ажралиб туради.

Кўринадики, халқ мусиқа ижодиётининг энг оммавий, ҳозиржавоб ва кенг камровли шакли бўлмиш, қўшиқчилик санъатининг бугунги кундаги мавқеи, таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал этишдаги роли ва ўрни ҳар қачонгидан-да долзарб бўлиб қолмоқда.

## **МУҲОКАМА**

Лекин, умумтаълим мактабларида мусиқа дарсларини кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, таълим жараёнида халқ мусиқа мероси, хусусан, мумтоз ва мақом санъати ҳақидаги мавзулар, улар бўйича ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар талаб даражасида эмас. Халқ мусиқа ижодиётини ўрганишга ҳозирги кун талаблари даражасида ёндошилмаяпти. Бу муаммолар сирасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Умумтаълим мактабларининг халқ мусиқа ижодиёти, хусусан, фольклор, мумтоз ва мақом мусиқаси “ёзувлари” (фонотека) билан етарли даражада таъминланмаганлиги;

- Халқ мусиқа ижодиётига оид кенг маълумотлар олиш имконини берувчи ўқув-услубий қўлланмаларни яратилмаганлиги;

- Аксарият кўпчилик мусиқа ўқитувчиларининг мумтоз ва мақом мусиқаси бўйича етарлича мутахассислик малакаларига эга эмаслиги;

- Ҳар бир чорак ва йил мавзуси бўйича тавсия этилган ва мустақил ўрганиш мумкин бўлган репертуар намуналари ҳақида мухтасар маълумотлар берувчи манбалар, махсус нота ёзувидаги тўпламларнинг йўқлиги;

- Зарур техника воситаларини тақчиллиги ёки айрим мактабларда умуман йўқлиги ва ҳоказо[4;6].

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, халқ қўшиқчилик ижодиётидан баркамол авлод тарбиясида кенг фойдаланиш йўлида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш жамиятимизнинг маънавий-маърифий пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида қўйилаётган вазифларни самаралироқ амалга оширишда янги уфқлар очади.

## REFERENCES

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент.: Маънавият. 2008. Б- 143
2. Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат. –Тошкент.: Тафаккур журнали. 1994. № 1-сон. Б- 35
3. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391 сонли қарори.
4. БАРКМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ МУСИҚА ИЖОДИЁТИДАН ФОЙДАЛАНИШ Қудратов Исматилла, п.ф.номзоди, ЖДП.,Норбекова Ш., Жиззах педагогика коллежи ўқитувчиси
5. Nurmuhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 50-52.
6. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).
7. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
8. Nasretidinova, M., Isakov, U. B., & Orziboyev, R. (2022). XALQ IJODIYOTINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *Scientific progress*, 3(2), 851-856.
9. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
10. Мадина Насритдинова (2022). МУСИҚА ТАЪЛИМИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНИШИДА СОҒЛОМ БОЛАЛАРДАН ОРТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 538-549.
11. Jo'Rayev Xamidjon, & Madina Nasritdinova (2022). DOIRA CHOLG'USIDA IJRO MAHORATINI YUKSALTIRISH (BOLALAR MUSIQA VA SAN'AT MAKTABLARI MISOLIDA). *Science and innovation*, 1 (C2), 26-28. doi: 10.5281/zenodo.663646
12. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
13. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
14. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
15. Ahmadjon Nurmuhamedjanov, & Ismoiljon Rustamov (2022). YOSHLARNING IJTIMOIIY FAOLIGIDA MADANIYAT VA SAN'AT MUASSASALARIDAGI TO'GARAKLARNING O'RNI. *Science and innovation*, 1 (C2), 48-50. doi: 10.5281/zenodo.657842
16. Rustamov, I. (2022). The Place of Doira Instrument in Uzbek National Art. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 74-77

17. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.
18. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 1 (1), 196-199.
19. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
20. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
21. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.
22. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.
23. Abdulhay Karimov Tursinovich, & Alijon Ergashev Abdullayevich. (2022). MILLIY-AN'ANAVIY MUSIQIY CHOLG'U SOZLARINING TASNIFI. *Archive of Conferences*, 245-248. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/2096>
24. Sultonali Mannopov, Abdulhay Karimov, Abdusalom Soliev, Ulugbek Isakov, Tokhir Shokirov, Rustam Orziboev. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845 -. Retrieved from <https://www.annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/3280>
25. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).
26. Professor Sultanali Mannopov, Abdulkhay Karimov, Shohida Ataboeva, Alijon Ergashev, & Shokhista Usmanova. (2021). Development Of Symphonic Music in Uzbekistan. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 53-56. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/259>
27. Маннопов, С., & Сулейманова, Д. К. (2019). Музыкальное наследие узбекского народа. *Проблемы современной науки и образования*, (10 (143)), 82-84.
28. Mannopov, S. (2004). Uzbek folk music culture.(Study guide) Tashkent. *New Age Generation*.
29. Маннопов, С. (2018). Навобахш оҳанглар. Т.: IJOD-PRESS нашриёти.
30. Маннопов, С. У. Л. Т. О. Н. А. Л. И. (2004). Ўзбек халқ мусиқа маданияти. *Янги аср авлоди*.
31. Rahmonov, U., Ergashev, A., Nazhmetdinova, M., & Usmonova, S. (2021, November). IN THE FORMATION OF THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD. In *Archive of Conferences* (pp. 36-39).
32. Abduvositovich, Y. F., Suleymanova, D., Rakhmonov, U., Ergashev, A., Kurbanova, B., & Axmadbekova, M. (2021). The role of the great scholars of the Eastern Renaissance in the art of music in shaping the socio-spiritual thinking of young people. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 25(6), 2846-2850.
33. Юлдашев, Фахриддин Абдуваситович (2022). ИЗУЧЕНИЕ НАСЛЕДИЯ АЛЬ-ФАРАБИ КАК ФАКТОР ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ В

- НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (Special Issue 23), 81-87. doi: 10.24412/2181-1784-2022-23-81-87
34. Д.Намозова
  35. Асқарова, М., Намозова, Д., Мадаминов, Н., & Алихонова, Д. (2020). PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(7), 402-407.
  36. Nomozova, D. (2020). THE IMPORTANCE OF TEACHING VOCABULARY IN STAGES. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
  37. Namozova, D. T. (2021). MUSIQA DARSLARIDA O'QUVCHILARNI KREATIVLIK HAMDA ERKIN TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHNI TASHKIL ETISH. *Scientific progress*, 2(2), 1313-1315.
  38. Namozova Dilorom, & Astanova Zumradxon Tohirovna (2022). BRAYL NOTA TIZIMINING MUSIQA TA'LIMIDAGI ILK QADAMLARI. *Science and innovation*, 1 (C2), 36-38. doi: 10.5281/zenodo.656980
  39. Ulugbek Rahmonov Karimovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna, & Ergashev Alijon Abdullaevich. (2021). The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, 2(2), 47–49. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/257>
  40. Najmetdinova, M., & Odinahon, S. (2021, October). HISTORY OF TRADITIONAL PERFORMING ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 89-91).
  41. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 2410-2413.
  42. Камбаров, А. А., & Нажметдинова, М. М. (2019). НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 148-151).
  43. Нажметдинова, М. (2022). Общественно-культурные мероприятия теоретические основы. *Общество и инновации*, 3(3/S), 473–479. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp473-479>
  44. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In *Archive of Conferences* (pp. 57-60).
  45. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна (2022). ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Science and innovation*, 1 (1), 892-903. doi: 10.5281/zenodo.653977